



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 3 МАЙ, ЖУМА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 72 (13.919)

Баҳоси эркин нарҳда

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 май куни Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва саноат вазири Сухайл бин Муҳаммад ал-Мазруий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Араб Амирликларининг қатор вазирилик ва идоралари, етакчи инвестиция, молия, логистика, қурилиш ва бошқа компаниялари раҳбарларидан иборат нуфузли делегацияни самимий қутлади.

Ўз навбатида, БАА энергетика ва саноат вазири Сухайл ал-Мазруий Амирликлар делегацияси номидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда БАА Президенти Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, БАА Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён ва БАА Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг саломлари ва энг эзгу тилақларини етказди.

Жорий йил март ойида Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида ўтказилган олий даражадаги самарали музокаралар дўстлик ва шерикликка асосланган икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтаришга хизмат қилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Кейинги ойлarda бўлиб ўтган юқори даражадаги делегациялар алмашинуви эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни амалга оширишнинг аниқ йўналишлари ва биринчи галдаги чора-тадбирларини белгилаб олиш имконини бергани таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг турли тармоқларида истиқболли лойиҳаларни, жумладан, электр станциялари қуриш ва модернизация қилиш, янги конларни ўзлаштириш ва углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлашни кенгайтириш, замонавий кимё саноати ва агросаноат корхоналари, логистика марказлари ташкил этиш, мамлакатимиз ҳудудларида инфратузилмани ривожлантириш ва бошқа қўшма ташаббусларни амалга ошириш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган самарали ислохотларни амалга ошириш борасида тажриба алмашиш, шунингдек, юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш мўҳими таъкидланди.

Бугунги кунда шерикликнинг ҳар бир устувор йўналишида тегишли тақлифлар ишлаб чиқиш ва икки томонлама тадбирларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар фаолият юритмоқда.

Меҳмонлар Ўзбекистондаги давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган кенг қўламли ислохотларни, шунингдек, ҳамкорлик учун мавжуд катта имкониятларни юксак баҳоладилар.

Учрашув якунида мамлакатларимиз халқлари фаровонлиги йўлида кўп қиррали муносабатларни изчил ривожлантириш ва мустақамлаш борасидаги интилиш қатъий экани таъкидланди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 май куни Марказий Осиёда гиёҳванд моддаларни назорат қилиш соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми иштирокчи давлатларининг 11-мажлисида қатнашиш доирасида мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон – Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари юқори суръатларда ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Ўз навбатида, Сергей Лавров Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди, Россия Президенти Владимир Путиннинг саломлари ва энг эзгу тилақларини етказди.

Томонларнинг сиёсий иродаси ва олий даражадаги фаол мулоқот ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, уни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Бугунги кунда савдо, инвестиция, энергетика, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларида қўшма лойиҳалар, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа йўналишларда қўшма дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Худудлараро алоқалар салоҳияти рўйбга чиқмоқда.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш

ҳамда самарали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар, жумладан, БМТ, ШХТ, МДХ ва бошқа тузилмалар доирасидаги ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари ва Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Сергей Лавров Россия Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни тез фурсатда барқарорлаштиришга қўмаклашиш, ушбу мамлакатни минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликка жалб этиш борасидаги фаол сайёҳаракатлари юксак баҳо бериши ва уларни қўллаб-қувватлашни билдирди.

Учрашув якунида томонларнинг халқларимиз фаровонлиги, минтақанинг тинчлиги, барқарорлиги ва изчил тараққиёти йўлида дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустақамлаш ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасида интилишлари қатъий экани таъкидланди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Маҳаллий ва хорижий бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун саноатда кооперация алоқаларини ривожлантириш, ҳўжалик юри-тувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш мамлакатимиз иқтисодиёти-ни жадал ривожлантиришнинг энг мўҳим шартлари ҳисобланади.

Ички бозордаги эҳтиёжлар ҳажмларининг таҳлили давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизmlарини амалга ошириш орқали саноат кооперациясини ва талаб юқори бўлган товарларнинг алоҳида турларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун фойдаланилаётган имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқ-да.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, кичик бизнес субъектларини саноат фаоли-ятига кенг жалб этиш, саноат кооперациясини мустақ-камлаш ва ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳ-сулотлар таннархини камайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар республика саноат кооперациясини ривожлантиришнинг узок муддатга мўлжалланган усту-вор йўналишлари деб ҳисоблансин:

саноат маҳсулотлари бозорининг барча қатламлари-даги ҳўжалик юритувчи субъектларни мақсадли жалб қилиш, барча манфаатдор доираларга республикада ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг турла-ри, техник тавсифлари ва сифат кўрсаткичлари тўғри-сида батафсил маълумот бериш орқали дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш ва мунтазам равишда саноат ярмаркалари ўтказиш;

ҳамкорлар топиш, ҳўжалик, шу жумладан, узок муд-датли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишнинг мўҳим воситаси сифатида электрон кооперация портали-нинг фаолиятини ташкил этиш, унда саноат маҳсу-лотлари етказиб бериш бўйича ҳўжалик шартномала-рини (контрактларни) тезкорлик билан масофадан ту-зиш имкониятини тақдим қилиш;

технопарклар ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, давлат харидлари тизими орқали маҳаллий иш-лаб чиқарувчилар учун барқарор талабни шаклланти-ришни назарда тутадиган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

2. 2019 йилда тадбиркорлик субъектлари томо-нидан ўзлаштирилиши тавсия этиладиган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва ма-териалларнинг янги турлари рўйхати (кейинги ўрин-ларда – Рўйхат) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Рўйхат Ўзбекистон Респуб-ликаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра ҳар ярим йилда қамида бир марта қуйидаги тақлифлар асосида янгиланади:

республика минтақаларининг табиий, минерал-хо-машё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳияти, тегишли инфратузилмаси, импорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмлари, таркиби ва номенклатураси, шунингдек, ишга туширилаётган йирик ишлаб чиқариш қувватла-рининг истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг тақлифлари;

ташқи бозорлар конъюнктурасига мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи сав-до вазирлигининг тақлифлари;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар, шу жумладан, ҳар йили ўтказиладиган Халқаро инно-вация ярмаркаси давомида тақдим этилган инноваци-он ғоялар асосида Ўзбекистон Республикаси Инно-вацион ривожланиш вазирлигининг тақлифлари;

(Давоми 2-бетда)

## САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 май куни хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, экспортбоп маҳсулотларни кўпайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Саноат барча иқтисодиёт тармоқларини жадал ри-вожлантиришга хизмат қилади. Кейинги йилларда бу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, юқори техно-логияли заводлар, технопарклар, ишлаб чиқариш кор-хоналари ташкил этилди. Утган йили саноатда қўшим-ча қиймат ўсиши 10 фоиздан ошди.

Лекин диверсификация жиҳатидан қараганда ҳали қилинадиган ишлар кўп. Масалан, саноатнинг 69 фоизи асосан хом ашё ёки бирламчи қайта ишлашга тўғри келади. Экспортнинг 52 фоизини рангли металлар, энергия ресурслари ва ҳўл мева ташкил этади. Бу иқти-содиётда ҳалигача тайёр маҳсулотга нисбатан хом ашё устунилигини кўрсатади.

Йиғилишда юқори қўшимча қиймат яратувчи ва тай-ёр маҳсулот экспорт қиладиган саноат корхоналарини кўпайтириш, мавжуд салоҳият ва хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларини муҳокама қилинди.

Импорт қилинаётган товарларни юртимизда ишлаб чиқариш, хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантириб со-тиш даражаси етарли эмаслиги танқид қилинди. Хусу-сан, миснинг атиги 25 фоизи қайта ишланмоқда, рух-нинг 80, молибденнинг 99, ипакиннинг 88, терининг 60 фоизи хом ашё тарзида экспорт қилинмоқда.

Ўзи яна бир мисол: 133 минг тонна ўсимлик ёғи импорт қилинган бир пайтда “Ўзғёмойсаноат” уюм-маси корхоналари 48 фоиз қувват билан ишлаётгани, ал-батта, қониқарсиз ҳолат. Сут ва гўштни қайта ишлаб, кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш соҳа-сидаги улкан имкониятлар ҳам тўлиқ ишга солинмаган.

Шу боси йиғилишда Иқтисодиёт ва саноат вазирли-ги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига мавжуд хом ашё база-си ва импорт таркибидан келиб чиқиб, 2019-2021 йил-ларда саноатлаштириладиган маҳсулотлар рўйхатини шакллантириш вазифаси топширилди.

Давлатимиз раҳбари кундалик саноат маҳсулотла-рини кенг ишлаб чиқариш ва кооперацияни ривож-лантириш зарурлигини таъкидлади. Юртимизда иш-лаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган саноат маҳ-сулотларини солиштирган ҳолда эҳтиёжни ҳисоб-ки-тоб қилиш тизимли олиб борилмаётгани қайд этил-ди. Кичик саноат зоналарида кундалик саноат маҳсу-лотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларини кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

(Давоми 2-бетда)

## “ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР” ДАСТУРИ ИЖРОСИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2 май куни “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури ижросини таъминлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишлар таҳлиliga бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Маълумки, 2018 йил 7 июнда Президент қарори бил-лан “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури қабул қилин-ган ва унда барча ташкилий, молиявий чоралар белги-лаб берилган эди. Жорий йил 7 мартда бу борадаги яна бир мўҳим ҳужжат – давлатимиз раҳбарининг “Худуд-ларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оила-вий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ, мақсадли жамғармалардан қўшимча 5 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Уму-ман, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун жорий йилда тижорат банклари орқали барча худудларга 6 триллион 200 миллиард сўм ёки 700 мил-лион доллардан зиёд маблағ ажратилди.

Йиғилишда ушбу маблағларни ўзлаштириш қониқар-сиз экани ёки ўз ҳолига ташлаб қўйилгани таъкидлан-ди. Жумладан, март-апрель ойларида тикувчилик, хунар-мандчилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларчилик-ни ривожлантириш, енгил конструкцияли иссиқхона-лар қуриш, машиий хизматларни йўлга қўйиш учун йил-лик маблағларнинг 19 фоизи ажратилган, холос.

– Бу рақамлар тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, пул ажратиш учун масъул бўлган раҳбарлар йил якуни-ни кутиб ўтиригандан далолат беради, – деди Шавкат Мирзиёев. – Оқибатда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хо-

тин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, бандлиги-ни таъминлаш, оилаларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш кечикмоқда.

Кредитлар ажратиш ва ўзлаштиришни жадаллашти-риш, секторлар раҳбарлари, тижорат банклари ва жа-моат ташкилотларининг бу борадаги масъулиятини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Кам таъминланган оилаларга алоҳида эътибор бер-ган ҳолда уларни тадбиркорликка ўргатиш талаб дара-жасида эмаслиги қайд этилди.

Йиғилишда Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувват-лаш марказлари фаолияти таҳлил қилиниб, уларга юк-латилган вазифалар – бўш турган майдонларни қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, биноларни ишлаб чиқариш ва хизматларни йўлга қўйиш учун тадбиркор-ларга ажратиш ишлари етарли даражада ташкил этил-магани кўрсатиб ўтилди.

“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури ижроси жой-ларда мутлақо қониқарсиз ташкил этилгани учун Рес-публика комиссияси раҳбарлари, Қорақалпоғистон Рес-публикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тош-кент шаҳар ҳокимлари ҳамда Марказий банк ҳудудий бошқармалари раҳбарлари огоҳлантирилди.

(Давоми 2-бетда)

**XXI аср** саноати  
Барча манбалардан олинган сўнаги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термиз шаҳридаги рус маданияти маркази қошида ташкил этилган 2013 – Ново Украина ўқи дивизиеси музейида “Хотира мангу” мав-зусида тадбир ўтказилди. Термиз гарнизони маънавият-маърифат маркази санъаткорлари ижросида Ватан, тинчлик, жасорат ва ёшлик-ни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

• Наманганда “Кўҳна замин дурдоналари” номли кўча кўргазма ташкил этилди. Кўргаз-манинг очилиш маросимида Ўзбекистон Рес-публикаси Фанлар академияси вакиллари, Киргизистон Республикаси “Сулаймон тоо”

тарихий-миллий археологик музей мажмуаси масъуллари ҳамда тарихчи олимлари ишти-рок этди. Унда Кўргонтепа туманида жойлаш-ган “Кўштепа-2” ёдгорлигидан топилган осори-ратиқалар намойиш этилмоқда.

• Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани ҳокимлиги туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ёшлар иттифоқи туман кенгаши ҳам-корлигида тумандаги маҳаллаларда истиқо-мат қиладиган кам таъминланган оилаларнинг 51 нафар фарзандига суннат тўйи ўтказилди. Ҳомий ташкилотлар томонидан тўй болалар-га уст-бош қилиб берилди. Велосипедлар, эс-далик совгалари топширилди. Бундан ташқа-ри, вилоят ҳокими тўй болаларнинг оналари-га 1 миллион сўмдан тўёна берди.

• Жиззах вилояти Зомин тумани маркази-да янги автовокзал иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томони-дан 1,7 гектар майдондаги автошоҳбекат ин-шоотларини барпо этишда 6 миллиард 300 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Автошоҳбекатда йўловчилар ва ав-тотранспорт ҳайдовчилари учун барча қулай-

лик мавжуд. Бош бинодаги кутиш зали маж-муасида биринчи тиббий ёрдам, ҳайдовчилар учун дам олиш, она ва бола хоналари, дис-петчерлик хизмати, чиптахона, кафе-бар фао-лият кўрсатмоқда.

### ЖАҲОНДА

• “Викиликс” компаниясининг асосчиси Жу-лиан Ассан гаров асосида озодликка чиқари-ш шартларини бузганлиги учун Лондон қиролик суди томонидан эллик ҳафталик муддатга қамоқ жазосига ҳўк қилинди.

• Венесуэлада муҳолифат етакчиси Хуан Гуайдо тарафдорлари томонидан давлат тўнтаришини амалга оширишга қаратилган уриниш рўй берди.

• Португалиянинг “Порту” футбол жамоа-сининг афсонавий дарвозабони, Испания тер-ма командаси таркибида жаҳон ва Европа чем-пиони бўлган Икер Касильясда миокард ин-фаркти касаллиги қайд этилди. Маълумотлар-га кўра, ушбу оғир хасталик унинг ҳаётига хавф туғдираётгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

монопольлашув ва рақобат муҳитини ривожлантириш, узаро бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи товарлар ва нарх омиллини инобатга олган ҳолда ички бозорнинг товарлар билан тўйинганлиги даражасини баҳолаш асосида Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг тақлифлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Рўйхатга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун, шу жумладан, Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси иштирокида инвестицияларни жалб этиш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг куйидагиларни назарда тутувчи иқтисодиётда талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш тизимини эксперимент тарқисидда жорий этиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин:

а) фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар негизда янги лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, технопаркларни қуриш;

б) аввало, Рўйхат бўйича янги маҳсулот турларини тайёрловчи ишлаб чиқаришларни жойлаштирган ҳолда "Тошкент механика заводи" АЖнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва худуди негизида технопарк ташкил этиш;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан лойиҳани амалга ошириш учун олинган кредитнинг 50 фоиздан кўп бўлмаган миқдорига кафилик бериш ва Рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини 5 фоизга қоллаш шаклида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини амалга ошириш.

5. "Тошкент механика заводи" АЖнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва худуди негизида технопарк ташкил этишининг молиялаштириш манбалари этиб 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида зарур инфратузилмани барпо этиш учун назарда тутилган 50 миллиард сўм миқдоридagi марказлашган маблағлар белгилансин.

6. Мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва саноат маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича комиссиянинг (кейинги ўринларда – Комиссия) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссиянинг ишчи органи этиб Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги белгилансин.

7. Комиссияга (Б.А.Ходжаев): талаб юқори бўлган маҳсулотлар, шу жумладан, истеъмол товарларининг рўйхатини, мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш механизми белгилансин, улар асосида ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаларини ҳар йили тасдиқланадиган манзилли рўйхатларга киритиш;

Рўйхатда кўрсатилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ўз вақтида амалга ошириш бўйича таъсирчан чоралар қўлган ҳолда, ушбу жараёнларни мониторинг ва назорат қилиш, шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлашни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

8. 2019 йил 1 июлдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) маҳаллий етказиб берувчиларнинг иштирокини ва нарх шаклланишида шаффоқлиқни таъминлаш учун давлат бюртмачилари томонидан импорт товарларни харид қилиш тўғрисидаги истақлар давлат харидлари маҳсулоти ахборот порталида ҳам жойлаштирилади;

б) уч ёки ундан ортқ иштирокчилар – маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда давлат харидлари бюртмачининг танловига кўра маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида амалга оширилиши мумкин;

в) бюртмачиларга Рўйхатдаги маҳсулотларни харид қилишда инвесторга, сифат бўйича, ке-

лишилган техник ва нарх кўрсаткичларига амал қилиш шarti билан, етказиб бериш вақтидан бошлаб икки йил давомида маҳсулотнинг давлат харидлари тизими орқали сотиб олинишига қарал тақдим этувчи маҳсулоти контрактларини танлов тартиб-таомиллари орқали тўзиш ҳуқуқи берилди.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат статистика қўмитаси, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, "Ўзбекистон республика товар-хонашў биржаси" АЖ билан биргаликда олти ой муддатда давлат харидлари маҳсулоти ахборот портали билан интеграциялашган электрон кооперация порталини ишлаб чиқсин ва уни қўллаб-қувватлашни таъминласин. Унда куйидаги имкониятлар назарда тутилсин:

а) бир неча мезонлар ва кўрсаткичлар бўйича излаш имкониятига эга бўлган, мунтазам янгиланб бориладиган ҳамда куйидагилар тўғрисидаги маълумотларни қамраб олувчи маълумотлар базасини шакллантириш ва жойлаштириш;

10 та белгидан иборат ТИФ ТН кодури билан узаро боғлиқликда ҳар бир маҳсулот турини бўйича товар бозорининг ҳажми (ишлаб чиқариш, импорт, экспорт ҳажми) тўғрисида;

маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси, унинг техник ва нарх кўрсаткичлари, шунингдек, саноат кооперациясини ўрнатishi бўйича тақлифларни акс эттирган ҳолда, ушбу корхоналар тўғрисида; давлат ва корпоратив бюртмачилар, шунингдек, стратегик хариддорлар эҳтиёжларини қондириш мақсадида келгуси давр учун харид режалари ва режа-графиклар тўғрисида;

маҳаллий корхоналар негизида ишлаб чиқариш тавсия этилаётган ўзлаштирилиши истикболли маҳсулот турлари тўғрисида;

б) корхоналар томонидан керакли шакллар он-лайн режимида мустақил тўлдирилиши орқали маҳаллий корхоналар учун ахборотни маълумотлар базасига беғул киритиш имконияти;

в) корхоналар, етказиб берувчилар ва давлат органлари ўртасида интерактив ҳамкорлик қилиш имконияти;

г) порталнинг статистика, божхона, солиқ ва молия органларининг маълумотлар базалари билан интеграциялашганлиги.

Белгиланган куйилсинки, Рўйхат электрон кооперация порталида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг расмий веб-сайтида беғул асосда мажбурий равишда эълон қилинади.

10. Куйидагилар электрон кооперация порталига тегишли ахборотлар тўғри ва ҳаққоний киритилиши ва уни ўз вақтида янгиланб борилиши учун масъул этиб белгилансин:

республикада ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг ҳажми ва техник параметрлари юзасидан – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Узстандарт" агентлигининг худудий бўлиналари;

саноат маҳсулотлари импорти юзасидан – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси;

келгуси давр учун давлат харидларининг режа-графиклари ва давлат харидларининг ўтган йилдаги амалдаги ҳажми юзасидан – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, устав фонди (капитали)даги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортқ бўлган юридик шахслар;

маҳаллий корхоналар негизида ишлаб чиқариш тавсия этилаётган ўзлаштирилиши истикболли маҳсулот турлари юзасидан – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

ушбу қарорнинг 10-бандида кўрсатилган маълумотларнинг электрон кооперация порталига ўз вақтида ва тўлиқ киритилиши устидан назоратни таъминласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Саноат ярмаркаларини ва электрон кооперация портали фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, "Узстандарт" агентлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда электрон кооперация порталига киритилмаган, шу жумладан, республикада ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган (ТИФ ТН коди 10 та белгидан иборат) маҳсулотларнинг ҳажми ва техник параметрлари тўғрисидаги маълумотларга қуйилмаган талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. Куйидагиларга:

иқтисодиёт ва саноат вазири Б.А.Ходжаевга – саноат соҳасидаги ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш, Рўйхатга киритилган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хонашў ва материаллар ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнини мувофиқлаштириш, шунингдек, электрон кооперация порталининг фаолият кўрсатиши, иқтисодиётда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш бўйича экспериментни самарали амалга ошириш юзасидан;

инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У.Умурзоқовга – инвесторларни излаш ва уларни эркин иқтисодий зоналарга жойлаштириш, биринчи навбатда, Рўйхатга киритилган маҳсулотларни ўзлаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, иқтисодиётда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш юзасидан;

"Ўзбекистон республика товар-хонашў биржаси" АЖ раиси Ф.Ф.Ибрагимовга – электрон кооперация порталини яратиш ва унинг давлат харидлари маҳсулоти ахборот портали билан интеграциялашувини таъминлаш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.И.Икромовга – республикада ишлаб чиқарилаётган товарлар, ишлаб ва хизматларнинг саноат ярмаркасини ташкил этиш, ҳўжалик юритувчи субъектларни харид фаолиятига жалб қилиш, харид қилиш операцияларининг доимий равишда янги ташкил этилаётган электрон кооперация портали орқали ўзлаштириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу қарорнинг моҳияти ва қондалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги:

бир ой муддатда "Тошкент механика заводи" АЖнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва худуди негизида технопарк фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳуқумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддатда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, шунингдек, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва талаб юқори бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича "йўл харита"ларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой муддатда "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунга харид қилиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш, уларнинг шаффоқлигини ошириш назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш бўйича тақлифларни киритсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маълаҳатчисининг ўринбосари Г.К.Саидова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 1 май

САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Саноат ривожида тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим омил ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги "Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ маҳаллий саноат ишлаб чиқарувчиларини давлат харидлари орқали қўллаб-қувватлаш механизми жорий этилмоқда.

Яна бир муҳим масала борки, бу саноат товарларини етказиб бериш билан боғлиқ, Юртимизда маҳсулотлар таннархида транспорт харажатлари хали-ҳануз юқори. Дунёда ушбу кўрсаткич 8-9 фоиздан ошмайди. Шунингдек, маҳсулотларни сертификатлаш ҳам экспортда жуда муҳим омил.

Шундан келиб чиқиб, транспорт хизматлари нархини камайтириш, маҳсулотларни ташқи бозордаги техник сифат талабларига уйғунлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди. Ишлаб чиқариш ва сертификатлаш соҳалари мутахассислари малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича устувор вазифалар белгиланб берилди.

ЎЗА

"ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР" ДАСТУРИ ИЖРОСИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Видеоселектор ййгилишида мазкур дастур ижросини сифатли таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар белгиланб берилди.

Дастур ижросини жойларда таъминлаш учун ҳар бир худудга бевосита республикадан масбуллар бириктирилади. Улар вилоят ва туманларга шахсан бориб, ишлаб ҳолатини жойида ўрганади. Тўртта сектор раҳбарлари билан дастурни сифатли амалга ошириш чораларини кўради.

Имтиёзли кредитларга эҳтиёжнани аниқлаш бўйича уйма-уй юриш тизими йўлга қўйилади. Бунга иқтисодий комплекс ҳодимлари билан бирга Халқ қабулхоналарининг жойлардаги ҳодимлари, маҳалла раислари, хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи ва касаба уюшмалари вакиллари жалб этилади.

Президентимиз сарфланган маблағ яхши самара бериши, оилаларга фаровонлик олиб кириши учун уни мақсадли ажратиш зарурлигини таъкидлади. Шу боис жойлардаги секторлар раҳбарлари муурожаат қилган ҳар бир тадбиркорга рўйхат асосида кредит ажратилиши ва мақсадли фойдаланилиши учун масбул бўлади. Вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари ҳамда солиқ идоралари раҳбарлари дастур доирасидаги товарларнинг ўз муддатида ва сифатли етказиб берилишига кўмаклашади.

Тадбиркорликни ривожлантиришда ҳудудларнинг ўзига хос

хусусиятлари, анъанавий ҳунармандлик йўналишларини инобатга олиш ҳам муҳим. Мисол учун, Риштон туманида кулоччилик, Марғилонда ипакчилик, Чустда дўппидўзлик ва пичоқчилик, Олтиариқда боғдорчилик ва узумчилик йўналишлари учун замин бор. Шу каби имкониятлардан фойдаланиб, "бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили асосида тадбиркорликни ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Ўз бизнесини йўлга қўйиш истаги кўпчиликда бор. Лекин бунинг учун зарур ускунани қаердан олишни ҳамма ҳам билвермайди. Шу боис ййгилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ҳар бир худудда доимий ишловчи мини-технологиялар кўргазмаларини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлат ветеринария қўмитасига зотли чорва молларини олиб келиш ва аҳолига етказиб бериш вазифаси топширилди.

Оммавий ахборот воситалари орқали оилавий тадбиркорликни тарғиб қилиш, муваффақиятли тадбиркорлар фаолиятини ёритиш, секторлар ва маҳалларда семинарлар ўтказиш лозимлиги қайд этилди.

Мутаассадилар қилинадиган ишлар асосидан "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури ижроси ва ййгилишда қайд этилган вазифалар бўйича ахборот берди.

ЎЗА

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Бугунги кунда қурилиш ишлари шиддатли ва қизгин жараёнларда кечаётган Сергели туманини ҳеч бир муболағасиз, пойтахтимизнинг энг бунёдкор ва энг кўркам тумани дея алоҳида эътироф этиш мумкин.

Дарҳақиқат, жаҳон стандартларига жавоб берадиган, замонавий лойиҳаларни ўзида акс эттирган ва гўзал архитектураси билан дунё кўзгусида юқори нуфузга эга бўлиб бораётган кўп қаватли уй-жойлар айнан Сергели туманида қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Зеро, жаннатмонанд диёримизда ҳар бир оиланинг бахтли, саодатли яшаш учун барча қулайликларга эга уйларнинг қад ростлаши халқимизнинг фаровон ҳаётидан далолатдир.

Нафақат уй-жойлар балки аҳолининг онгу тафаккурини тeрaнлаштириш, илмий ва дунёвий билимларини ошириш, маънавий салoҳиятини янада юксалтириш учун ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий масканларни қўллаб бунёд этилиши ва гўзал инфратузилмасига эътибор қаратилиши халқимизнинг истикболли келажагидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбари Сергели туманига қилган таширфини давомида "Асосий мақсадимиз аҳолига қулайлик яратиш, уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш лозим" деган илғор гоғни илгари сурган эдилар. Бу борада тегишли муассасади ташкилотлар-

га берилган тавсиялари асосида қисқа муддат ичида мазкур туманда янги, замонавий уй-жойлар, ижтимоий объектлар, ишлаб чиқариш корхоналари, маданий-маърифий масканлар ва транспорт инфратузилмаларида қурилиш ишлари олиб боришмоқда.

Туманда қисқа муддат ичида 100 дан ортқ кўп қаватли уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хозирда ушбу мавзедда пойтахтимизнинг барча туманларидан аҳоли яшаш учун кўчиб келмоқда.

Оилаларга янада қулайлик яратиш, бандлигини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда мактаб, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, дам олиш масканлари, кутубхона, новвойхона, озик-овқат, саргaрoшxона ва бошқа жуда қўллаб янги хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилмоқда. Бу эса, фуқароларга барча имкониятларга эга, шинам, кўркам, қулай шароитларда яшаш, ишлаш ва дам олиш имконини яратиб беради.

2019-2020 йилларда Тошкент шаҳрини комплекс ривожлантириш Дастури доирасида Тошкент халқ автомобил йўлида 20 дан ортқ янги корхоналар қурилиши амалга оширилмоқда. Бу борада текстиль маҳ-

сулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган 1000 нафар ходимини иш билан таъминлайдиган "Bek Mega Textile" масбулияти чекланган жамиятининг алоҳида эътироф этиш жоиздир.

Айни дамда, қурилиш ишлари жадал сураётлар билан олиб борилаётган мазкур корхонанинг биринчи қисми ишга туширилиб, 300 га яқин фуқароларнинг ишга қабул қилиниши Сергели туманида яна бир янги корхона ўзининг кутлуг қадамини бошлади дея, қайд этиш мумкин.

"Orchid buity" масбулияти чекланган жамиятнинг тўлиқ ишга туширилиши ва 200 нафардан ортқ фуқаронинг иш билан таъминланиши ҳам тумандаги қувончли воқеалардан биридир. Маълумот ўрнида шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки ишга қабул қилинганларнинг аксарияти янги кўчиб келган фуқаролар ҳисобига тўғри келмоқда.

Бугунги кунда "Тошкент металлургия заводи" МЧЖ ҚҚ металл маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси, "Rosti Rasti Baraka" МЧЖ томонидан бошлар ўйинчоқларни ишлаб чиқариш лойиҳаси, "Adi Set Servis" МЧЖ томонидан иссиқхона, қишлоқ ҳўжалиги маҳ-

сулотларини қадоқлаш лойиҳаси устида қизгин ишлар олиб боришмоқда.

Бинобарин, "Orient Confiction" МЧЖ томонидан қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, "Vivat Mobil" МЧЖ томонидан мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва "Laxisam Phorma" МЧЖ томонидан дори воситаларини қадоқлаш лойиҳаларининг ҳаётга татбиқ этилиши ҳам қутилмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудда 2019-2020 йилларда 2 та мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш, 3 та текстиль ва тўқимачилик, 2 та нефть ва кимё, 3 та озик-овқат ва чарм пойфазал саноатига мўлжалланган лойиҳаларининг ишга туширилиши режалаштирилганлиги Сергели туманининг ёрқин эртасидан, нури келажагидан далолат беради.

Мазкур корхоналар негизида беш мингдан ортқ янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган ва 200 млн. АҚШ долларидан ортқ хорийий инвестициялар жалб этиш режалаштирилган. Унинг натижасида эса экспорт қўламини янада оширишга эришилиш мумкин. Бу мамлакатимиз тарақиётда муҳим бир босқич саналади.

Ҳар бир қурилаётган замонавий уй-жойлар халқимизнинг яшаш тарзи ва турмушида ўзига хос гўзал бир из қолдира, ишга тушган ва туширилаётган янги корхона ва ташкилотлар уларнинг ҳеч нарсадан кам бўлмай тинч ва тўқин умргурзонлик қилишида муҳим ўрин эгаллайди.

Энг асосийси эса, қад ростлаган янги биноларда, қурилаётган бўлажақ уй-жойларда нафақат бугунги кун вакиллари балки, келгуси авлодлар ҳам баҳраманд бўлади. Бу эса инсон манфаатлари – энг олий қадрият эканлигини яна бир бора намоён этади.

(Ўз муҳбиримиз)

ҚИСКА САТРАПДА

- Тошкент шаҳар ҳокимлигида Бирлашган Араб Амирликлари "EMMAR Properties" компанияси бошқаруви раиси билан учрашув бўлиб ўтди.
• "Тошкент механика заводи"нинг фойдаланилмаётган майдони ва худудида технопарк ташкил этилади.
• "Uzavotrans Servise" корхонаси Қозғистоннинг 4 та шаҳрига автобус қатновларини йўлга қўйди. Тошкент – Туркистон, Тошкент – Олма-ота, Тошкент – Ушкунур, Чирчиқ – Ушкунур йўналишлари шулар жумласидандир.
• Пойтахтимизнинг Истиқлол ва Зарафшон кўчалари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг орқа томонида 3-5 май кунлари LANSING OPEN.UZ биринчи халқаро ландшафт санъати фестивали ўтказилади.

### Фуқаролар йиғини раислигига сайловлар бошланди

## ЭЛ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА НОМЗОДЛАР САЙЛАНМОҚДА

**Мамлакатимизнинг барча маҳалла фуқаролар йиғинларида маҳалла раиси (оқсоқоли) сайловлари бўлиб ўтмоқда.**

Бугун кўпга бош-қош бўлиш, одамларга сўзини ўтказа олиш, ижобий таъсир кўрсатиш, адашганини тўғри йўлга солиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, маҳалланинг борини ошириш ҳаммамнинг ҳам қўлидан келавермайди. Юртимизда яратилган ва тобора такомиллаштириб борилаётган миллий қонунийликларимиз ҳам азал-азал қадрларимиз бешиги бўлган маҳаллаларнинг ишини тезкор ва ғоят талабчан замон эҳтишига мослаштириш, маҳалла фуқаролар йиғини раисларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда кўпга янгидан-янги имкониятлар яратмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлов тўғрисида"ги қонуни маҳалла ҳаёти, фаолиятга оид меъзоларни белгилаб бериш, шаҳарча, қишлоқ, овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши билан аҳамиятлади.

Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги фуқаролар йиғинларида ҳам сайлов жараёни муваффақиятли кечмоқда.

— Мазкур сайлов жараёни маҳалла ҳаётида ғоят улкан аҳамият касб этади, — дейди тумандаги "Хислат" маҳалласида ташкил

этилган сайловнинг ишчи гуруҳи раҳбари Барно Бекмухамедова. — Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловига маҳалламизда пухта тайёргарлик кўрилди. Аҳоли ўртасида сайлов жараёнига оид тушуنтириш ва тарғибот ишлари олиб борилди. Мазкур масъулиятли жараён ўтказилувчи сана, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар воқиф этилди. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар ҳақида, уларнинг тўлиқ таржимаи ҳоли, келгусида ҳаётга жорий этиладиган дастурларига оид маълумотлар маҳалла аҳолига кенг тушунтирилди. Раисликка номзодларнинг бари катта ҳаёт таърибига эга онаҳон экани диққатга сазовор. Негаки, айрим пайтларда оилалар, қудалар ўртасида кечадиган турли мураккаб вазиятларни хонадон вақиллари, хотин-қизлар айнан аёл раисигагина ишонди. Бу эса юзага келиши мумкин бўлган кўпга оилавий можароларга тўғри ечим топади, деганидир.

"Хислат" маҳалла фуқаролар йиғинидаги сайлов жараёни шу ҳудуддаги 29-умий ўрта таълим мактабиде бўлиб ўтди. Маҳалла ахли ўзи муносиб деб билган номзодга овоз берди. Шу кунги пойтахтимиздаги бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинларида сайлов жараёни муваффақиятли ўтказилди.

**Чилонзор туманидаги "Новза" маҳалласида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови ҳам шаффоф ва очиқлик тамойиллари асосида бўлиб ўтди.**

Сайловда маҳалладан 306 нафар вакил иштирок этди. Туман комиссиясидан вакиллари — Тошкент педагогика коллежи директори, Халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгаши депутаты Муҳаббат Тожиёва, "Нуроний" жамғармаси туман бўлими раиси, Халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгаши депутаты Обид Аҳмедов, туман ҳокими ўринбосари Абдурахим Халметов, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Хамза Нормуратов ва бошқалар қатнашган сайловда Мансур Сидиков 91,5 фоиз овоз олган ҳолда маҳалла оқсоқолигига сайланди. Сайловдан сўнг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илхом Фармонов ўз куй-қўшқилари билан йиғинлардан кўнгилларини хушнуд этди.

Тумандаги "1-Қатортол" маҳалласида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида номзод Зирқилла Халмухамедов 92 фоиз овоз билан маҳалла раиси этиб сайланди. Шунингдек, "2-Қатортол", "Баҳористон" ма-

ҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам сайлов юқори савияда ташкил этилди. Аҳоли ўзи маъқул деб билган номзодга овоз берди.

Яккасарой туманидаги "Қушбеги" маҳалласида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлов жараёнининг тартибли ва намунали ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилиб, сайлов ўтказилиши белгиланган жой махсус овоз бериш кабиналари, қўти ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланди. Сайловда 330 нафар вакил иштирок этди. Сайловга келган фуқаролар сайлов бюллетенларини тўлдириш орқали ўзларининг сайлов ҳуқуқидан фойдаланиб, маҳалла етакчилигига муносиб номзодни сайлашди.

Яъни, "Қушбеги" маҳалла фуқаролар йиғини раислигига номзод Ҳакимжон Умиров маҳалла раиси этиб сайланди. Сайловга маъсўл туман комиссиясидан вакиллари иштирок этдилар. Маҳалла аҳолиси учун байрам тадбири ташкил қилинди.

**ЎЗА ВА ЎЗ МУХБИРИМИЗ**

### Чилонзор тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

**ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ 2019 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАГИ "ЧИЛОНЗОР ТУМАНИНИНГ 2019 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ТИ 1-СОНЛИ ҚАРОРИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон) 143-моддаси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда;) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроектсий қўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарори, (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами), 2018 йил 31 декабрь, 52-сон, 996-модда), Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 402/46-5-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни параметрлари тўғрисида"ги 1865-сонли қарори, (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами), 2018 йил 27 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни параметрлари тўғрисида"ги 1865-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги 357-сонли қарорлари, халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги "Чилонзор туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 82/12-1-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Тошкент шаҳар Молия баш бошқармасининг 2019 йил 6 мартдаги 01-3/411-сонли хатини инобатга олиб,

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. 2019 йил 5 мартдаги "Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни параметрлари тўғрисида"ги 1865-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги 357-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Маҳаллий даромадлари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларининг умумий йиллик миқдоридан келиб чиқиб, солиқ Концепцияси бўйича таъсир қилувчи омилларни инобатга олган ҳолда чоррақлиқ прогноз кўрсаткичларини мувофиқлаштириб бориш ҳамда йиллик прогнозни қайта тақсимилаштириш Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан розилиқ берилган инобатга олинсин.

3. Чилонзор тумани ҳокимининг 2019 йил 4 январдаги "Чилонзор туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни параметрлари тўғрисида"ти 1-сонли қарорининг:

а) 1-иловаси мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ;

б) 3-иловаси мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ янги таъхирда баён қилинсин.

4. Туман Молия бўлими (Д.Ражабов) Туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

5. Туман Аxbорот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (Б.Абдуҳамидов), Матбуот хизмати (Ю.Нишантаева);

Мазкур қарор "Тошкент оқсоқоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва [www.chilonzor.toshkent.uz](http://www.chilonzor.toshkent.uz) веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Каримов зиммасига юклатилсин.

**Чилонзор тумани ҳокими С.Махамедов**  
2019 йил 23 апрел

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МЧЖ КК EUROASIA INSURANCE Суғурта компанияси Чилонзор филиалига тегишли 0060600, 0060601, 0063318, 0063850, 0065727, 0065726, 0066270, 0069871, 0070778, 0070783 рақамли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент давлат техника университети томонидан 2015 йилда Еркинов Отабек Тўлқин ўғлига берилган № 1517 рақамли рейтинг дафтарида йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Хондамир 4-тор кўчаси, 17-уй эгаси Ишанханов Зайнутдин номига Учтепа туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Хондамир 4-тор кўчаси, 17-уй эгаси Ишанханов Зайнутдин номига Учтепа туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**АИТБ "Ипак Йўли" мулкни ва автотранспорт воситаларини ихтиёрвий суғурта қилиш бўйича шартнома тузиш учун суғурта ташкилотлари орасида танлов ўтказилишини маълум қилади**

Танловда иштирок этиш ва танловга оид ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишининг мумкин: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 2-уй. Индекс: 100017.

Танлов ҳужжатларини қабул қилишининг сўнгги куни 2019 йил 31 май соат 12.00 гача. Мурожаат учун телефонлар: 78-140-69-39, 78-140-69-00 (ички: 1258).

Масъул ҳодим: Тен Алексей.

### 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

## АЖДОДЛАР МАТОНАТИ ВА ЖАСОРАТИ ВАЯЛОДЛАР УЧУН ИБРАТ

**Мамлакатимизда ҳар йили 9 май санаси умумхалқ байрами, Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Ушбу тадбирлар замирида халқимизга хос бўлган эзгу мақсад мужассам.**

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялашда кексалар, жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг ҳаётий таъриби касатта ибрат мактаби бўлиб хизмат қилаётди. Зеро, ёши улғур инсонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ўғитларига амал қилиш ҳаётимизни янада фаровон этишини мўҳим омилидир.

Инонатиёти бошига мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар келтирган Иккинчи жаҳон уруши асоратларини ҳеч ким унутмайди, унутиб ҳам бўлмайди. Бу даҳшатли уруш ватанимиз сарҳадларидан анча олисда юз берган бўлса-да, унинг кечкис ўқубатлари ҳеч бир ўзбек хонадонини четлаб ўтгани йўқ.

Айни вақтда жанг майдонларида мардлик ва жасорат кўрсатган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, бутун ораимизда бўлган фахрийларимизни эъзоз-лаш, ғамхўрлик қилиш ҳам қарз, ҳам фарз. Чунки, ҳозирги тинч-осойишта ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун улардан қарздорим.

Маънавий уруш йилларида халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари яққол намоён бўлди. Энг-юқимиз уруш бўлаётган ҳудудлардан эвакуация қилинган турли миллатга мансуб 1 миллионга яқин болалар, аёллар ва кексаларга бошлана бериб, бир бурда нонини улар билан баҳам қўрди.

Урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллионга яқин киши фронтга сафарбар қилинган. Афсуски, улардан ярим миллионни халок бўлган, 60 миң нафардан ортиги ногирон бўлиб қайтганининг ўзиёқ бу уруш кўпларининг нафақат жисмига, балки қалбига ҳам озор берганини аңглатади.

Айни пайтда эса юртимизда 838 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилмоқда. Улар доим ардоқда, эъзодда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 23 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Иккинчи жаҳон урушида халок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам ёнимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтириш, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш, уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

"Нуроний" жамғармаси республика бошқаруви ҳам умумхалқ байрамига муносиб тайёргарлик кўрмоқда. Юқоридаги фармон ва қарор ижроси юзасидан жамғарма зиммасига юклатилган вазифаларини изчиллик билан амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур фармон ва қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жамғарма республика бошқарувининг байрамга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унда жамғарманин ҳудудий бўлиmlари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчинин бажариш чоғида халок бўлган ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уруш қатнашчиларининг турар жойларини таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича кўмак берилиши белгиланди. Бу хайрли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Байрам арафасида тиббиёт ходимлари ҳар бир уруш қатнашчисининг хонадонига бориб, тиббий қўриқдан ўтказилади. Зарур тиббий ёрдам кўрсатилади. Бундан бунд уларга домий патронаж хизмати кўрсатиш йўлга қўйилади.

Шунингдек, жойларда қатор вақиллик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда уруш қатнашчилари билан урчушлар, хотира маросимлари ўтказилмоқда. Жумладан, уларнинг матонат, мардлик ва жасоратини ёшларга тушунтириш мақсадида, олий таълим муассасалари, акдемик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактабларида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида "Аждодларни хотириллаш — муқаддас қадрият", "Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч" шорларни остида маданий-маърифий, "Мардлик, бурч ва садоқат" ҳарбий-ва-танпарварлик мавзусидаги давра суббатлари, тадбирлар ўтказилмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Ўзбекистон Республикаси Президентини номидан бир йўла тўланадиган пул мукофотини тантанали равишда топшириш маросимларида фаол иштирок этиш, уларнинг истақлари асосида республика ҳудудидаги санаторийларга бепул юборилишини ташкил этиш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистондан кетиб қалабага ўзининг беқиес ҳиссасини қўшган ва қаҳрамон бўлган фахрийларнинг ҳар бир ҳудуд кесимида рўйхатларини шакллантириш ва белгиланган тартибда Вақиллар Мақамасига киритиш борасида сайй-харақатлар олиб боришмоқда.

Шу билан бирга асосий байрам тадбирларида қатнашадиган республиканимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийларини рўйхати шакллантирилди. Уларнинг Тошкент шаҳрига келиб-қетиши, маданий ҳордик чиқаришлари ҳамда зарур ҳолларда кийим-кечаклар билан таъминлаш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

**Мамлакатимизда ҳар йили 9 май санаси умумхалқ байрами, Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Ушбу тадбирлар замирида халқимизга хос бўлган эзгу мақсад мужассам.**

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялашда кексалар, жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг ҳаётий таъриби касатта ибрат мактаби бўлиб хизмат қилаётди. Зеро, ёши улғур инсонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ўғитларига амал қилиш ҳаётимизни янада фаровон этишини мўҳим омилидир.

Инонатиёти бошига мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар келтирган Иккинчи жаҳон уруши асоратларини ҳеч ким унутмайди, унутиб ҳам бўлмайди. Бу даҳшатли уруш ватанимиз сарҳадларидан анча олисда юз берган бўлса-да, унинг кечкис ўқубатлари ҳеч бир ўзбек хонадонини четлаб ўтгани йўқ.

Айни вақтда жанг майдонларида мардлик ва жасорат кўрсатган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, бутун ораимизда бўлган фахрийларимизни эъзоз-лаш, ғамхўрлик қилиш ҳам қарз, ҳам фарз. Чунки, ҳозирги тинч-осойишта ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун улардан қарздорим.

Маънавий уруш йилларида халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари яққол намоён бўлди. Энг-юқимиз уруш бўлаётган ҳудудлардан эвакуация қилинган турли миллатга мансуб 1 миллионга яқин болалар, аёллар ва кексаларга бошлана бериб, бир бурда нонини улар билан баҳам қўрди.

Урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллионга яқин киши фронтга сафарбар қилинган. Афсуски, улардан ярим миллионни халок бўлган, 60 миң нафардан ортиги ногирон бўлиб қайтганининг ўзиёқ бу уруш кўпларининг нафақат жисмига, балки қалбига ҳам озор берганини аңглатади.

Айни пайтда эса юртимизда 838 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилмоқда. Улар доим ардоқда, эъзодда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 23 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Иккинчи жаҳон урушида халок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам ёнимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтириш, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш, уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

"Нуроний" жамғармаси республика бошқаруви ҳам умумхалқ байрамига муносиб тайёргарлик кўрмоқда. Юқоридаги фармон ва қарор ижроси юзасидан жамғарма зиммасига юклатилган вазифаларини изчиллик билан амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур фармон ва қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жамғарма республика бошқарувининг байрамга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унда жамғарманин ҳудудий бўлиmlари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчинин бажариш чоғида халок бўлган ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уруш қатнашчиларининг турар жойларини таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича кўмак берилиши белгиланди. Бу хайрли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Байрам арафасида тиббиёт ходимлари ҳар бир уруш қатнашчисининг хонадонига бориб, тиббий қўриқдан ўтказилади. Зарур тиббий ёрдам кўрсатилади. Бундан бунд уларга домий патронаж хизмати кўрсатиш йўлга қўйилади.

Шунингдек, жойларда қатор вақиллик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда уруш қатнашчилари билан урчушлар, хотира маросимлари ўтказилмоқда. Жумладан, уларнинг матонат, мардлик ва жасоратини ёшларга тушунтириш мақсадида, олий таълим муассасалари, акдемик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактабларида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида "Аждодларни хотириллаш — муқаддас қадрият", "Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч" шорларни остида маданий-маърифий, "Мардлик, бурч ва садоқат" ҳарбий-ва-танпарварлик мавзусидаги давра суббатлари, тадбирлар ўтказилмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Ўзбекистон Республикаси Президентини номидан бир йўла тўланадиган пул мукофотини тантанали равишда топшириш маросимларида фаол иштирок этиш, уларнинг истақлари асосида республика ҳудудидаги санаторийларга бепул юборилишини ташкил этиш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистондан кетиб қалабага ўзининг беқиес ҳиссасини қўшган ва қаҳрамон бўлган фахрийларнинг ҳар бир ҳудуд кесимида рўйхатларини шакллантириш ва белгиланган тартибда Вақиллар Мақамасига киритиш борасида сайй-харақатлар олиб боришмоқда.

Шу билан бирга асосий байрам тадбирларида қатнашадиган республиканимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийларини рўйхати шакллантирилди. Уларнинг Тошкент шаҳрига келиб-қетиши, маданий ҳордик чиқаришлари ҳамда зарур ҳолларда кийим-кечаклар билан таъминлаш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

**Инсонпарварлик ўзбек халқининг миллий менталитетига хос азалий фазилатдир. Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларида халқимизнинг инсонпарварлик, бағрикенглик фазилатлари фронт марраларидан кўчириб келтирилган, боқувчисидан ажралган болаларга, қарияларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилишда оғир дамларда синовдан ўтди.**

## ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ СУРОНЛИ ЙИЛЛАРДАГИ ИНСОНПАРВАРЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ

1941 йилнинг 1 октябрдан – 1942 йилнинг 1 октябргача Ўзбекистонга фронт орти шаҳарларидан эвакуация қилинган 78 та болалар йилларида 50 таси мустақил равишда сакланиб қолинди ва улар республика вилоятларига жойлаштирилди. Болалар йилларидан 28 таси тарқатилиб, улардаги тарбияланувчилар болалар уйлари, интернатлар ва болалар муассасаларига, шахсий тарбияга берилди. Ўзбекистонга шу даврда бир миллиондан ортиқ киши эвакуация қилинди. Халқимиз уларнинг барчасини ўз бағрига олди. Уларга меҳр-муруват кўрсатди. Уша йиллари республика раҳбари лавозимида ишлаган У.Юсуфов республика Халқ Комиссарлари Кенгаши қошида тузилган эвакуация ишлари бўйича комиссия аъзолари олдида сўзлаган нутқида шундай деган эди: "Хозирнинг ўзидеёқ бирор кун ҳам кечиктирмай йўлда қолиб кетган болаларни йиғиб келгани ўз вақилларимизни жўнатишимиз керак, улар болалар учун оғир ва кийим-боша оғир босинлар, ҳаммасини Ўзбекистонга олиб келишимиз". Эвакуация қилинганлар кексалар

# ЖУМА ОҚШОМИДА

**Ота билан она шундай мўтабар, муқаддас такрори йўқ зотларки, фарзандлар уларнинг олдида умр бўйи қарздордирлар. Ота-онанинг эзгу ният-орзуси ўзлари дунёга келтирган фарзандларини ҳам моддий ҳам маънавий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг фазлу-камолотларини кўришдан иборатдир.**

Ривоят қилишларича бир оиланинг қобил фарзанди онасини оқ сутини оқлаш, уни рози-ризо қилиш ниятида орқасига опичлаб, ҳажни зиёрат қилдиргани йўлга чиқибди. Кўп юриб, кўп юрса ҳам мўл юриб манзилга етай деганда нафас ростлаб олиш учун бир жойда тўхтабди. Ўз хизматида ўзи сарафроз бўлгунча "Мана энди онанинг мен учун чеккан заҳматини оқладим" дея уйлаб ўтирган экан, қаршисида нуруний бир чол пайдо бўлибди. Йигит шошилганча унга пешвоз чиқиб хуш тавозелик билан салом бериб ундан сўрабди:

— Отахон, мен онамнинг сутини оқлаш учун орқамга опичлаб узокдан шу муқаддас Каъбани зиёрат қилгани олиб келдим. Айтинг-чи, шу ишим билан онам олдидаги қарзимни уза олармикиман?

Нуруний чол чарчаб қаро терга ботган қобил фарзандга меҳр билан қараб, кўлимсираб шундай дебди:

— Баракалла ўғлим, асл фарзанд экансизки, волидаи муҳтарамангизни шунча йўлдан опичлаб зиёратга олиб борибсиз.

Лекин бу билан онангиз олдидаги қарзини буткул уздим, деб ўйламанг. Бу қилган хизматингиз волидангизнинг атиги бир кечагина ширин уйқудан кечиб бешик тебратиб чиққанига тенг холос. Она олдида ҳали кўп қарздор эканлигингизни унутманг.

Йигит бу сўзлардан қаттиқ таъсирланибди ва онанинг фарзанд тарбиясида хизмати бекиёслигини чуқур англаб, онасини опичлаганча яна йўлида давом этибди...

Ота-онанинг ҳаёт мазмуни беминнат дуоғўй, маслаҳатгўй, фарзандларини тўғри йўлга бошлаб боровчи ёруғ машъал ҳисобланади. Ҳеч бир ота-она фарзандига ёмонлик тиламайди. Ҳатто совуқ шамолни ҳам раво кўрмайди. Уни жон пардасида асраб-авайлаб парварिश қилади. Мадомики шундай экан, фарзандлар ҳам ота-оналарга муносиб бўлмоқликлари ва бир умр хизматларига шай бўлиб турмоқлари лозимдир.

Ота-онали уй — чарогон уйдир. Улар ҳаёт эканлар, чарогон уй зулматда қолмайди, чунки ота-она, бобо, бувилар ўз ақл чироқлари билан, ибратомуз насихату маслаҳатлари ҳамда иш туттишлари билан уларни ҳам

дилларини чарогон қилиб туришга қодирдирлар. "Қари билгани — пари билмас", "Қариси бор уйнинг зари бор", деган нақллар кўп йиллик турмуш тажрибасида пишиб-етилиб айтилган ҳикматдир. Шунинг учун ҳам ёшлар ўз хонадонларида нуруний қарияларнинг борлигига шукроналар айтиб, уларнинг ҳурматларини ўрнига қўйишлари, дуоларини олишлари керак. Зинҳор-базинҳор уларни ранжитмаслик, ранжитиш, у ёқда турсин, кўзларига тик қараб гапиришдан ўзини тия билмоқ керак. Қилинган ноҳўя хатти-харақатлар юракда доғ бўлиб қолувчи ва ҳеч қачон ювилмайдиган гуноҳи азим ҳисобланади.

Қарияларнинг ўз жигарбандига нисбатан орзу-умидлари бекиёсдир. Улар бир парча этни еру кўкка



Сарфу харажатни, тежамкорлик билан режалаштириб олманган оилаларда на файз бўлади, на барака. Меҳнат билан, пешона тери тўкиб топилган пулни оила расаматига қараб, оқиллик билан сарф этилса, бундай рўзгорбошиллар ҳаётда ҳеч қачон қийналмайдилар ва бировларга муҳтож ҳам бўлмайдилар. Аксинча, азият билан топилган пулни керак, керакмас нарсаларга сарф қилувчилар бир умр қийналиб, бирлари икки бўлмаётганидан нолиб ўтирадилар.

Халқимизда "пул топишдан ҳам кўра, уни ўрнида сарфлаш қийин" деган доно нақл борки, бу ўша пул топиб, ақл топмаганларга ишора қилиб айтилган. Қарияларимиз ўз ҳаётларида ана шу ақидаларига риоя қилганлари сабабли ёшларга ўз тадбиркорликларини ўргатишга, турмушни тўқис олиб боришга ҳаракат қилдилар. Шунинг учун "Қариси бор уйнинг зари бор", яъни бойлиги ўзига етарли захираси бор, деб уларни эътирозлашади.

Бироқ мана шундай доно, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган қарияларимиз ҳамма вақт ҳам оилада ўз қадрларини топадилар деб бўлмайди. Лекин, ўз қадрига ета оладиган, ўзининг вақти келиб кексайишини, фарзандлари қўлига қараб қолиши муқаррарлигини ёшликдан ҳис қила билмайдиган, яхши таълим-тарбия кўрган ёшлар қарияларни иззат-иқром қилдилар. Шу тўғриси хонадонларидан кут-барака, тинчлик, осойишталик аримайди.

Баъзи оилаларда эса бунинг акси рўй беради. Ўғил, қиз, келинлар қайнота-қайноналарнинг донолиги билан рўзгор тебратиш удулларини ҳасислик, пасткашликка йўйиб, қаттиқ ранжитадилар, ўз билганларича паллартиш рўзгор тебратишга интиладилар. Охир-оқибат рўзгорларидан пугур кетади, фарзандлар тарбияси бузилади. "Қуш уясида кўрганни қилади" деб бекорга айтилмаган.

Ойша ТўРАЕВА,  
олима, профессор

## Мулоҳаза

### ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ПАРИСИ БОР

ишонмай, кўз қорачиқларида асраб, эъозлаб, вояга етказадилар. Уларни баркамол инсон бўлишларини орзулаб, тун кечалар бешик тебратиб, алла айтиб чиқадилар:

**Тилаб олган таянчим-ов,  
Иш қилганда суюнчим-ов,  
Алла-ё.**

**Осмондаги юлдузим-ов, алла-ё,  
Сойлардаги кундузим-ов, алла-ё.**

Шу "алла"даги сўзларнинг ўзи фарзандларига меҳрлари нечоғли улканлигини кўрсатади.

Қариялар табиатан ажабтовур фойдали фазилатларни ўзларида мужассам қилган, ҳаётнинг пасту баландини кўравериб қўзлари пишган, билганларини эринмай-нетмай фарзандларига ўргатишга мойил кишилардир. Уларнинг яхши рўзгор туттишида энг керакли хислатларидан бири — тежамкорлик. Тежогли уй-бежогли уй, деб бежиз айтилмаган.


Уйнинг кут-барақаси, рўзгордаги тўқин-сочинлик, бекамун кўстлик — бариси тежамкорликдан келиб чиқади.

## Бошқотирма

**Энига:** 1. Оғир юқумли касаллик тури. 3. Пойабзал қисми. 7. Тол нави. 12. Заҳарли ўт. 13. Чорва ишооти. 14. Қадимий шамшир тури. 15. Муайян соҳага доир сўз бирикмаси. 17. Нон тури. 19. Чатоқлик, чалқашлик. 20. Камчилик, айб. 23. Чеварларнинг махсус халтаси. 27. Ўзбекистонлик машҳур боксчи, мураббий. 29. Машҳур ҳинд киноактрисаси. 30. Меъморий нақш тури. 32. Аслида йўқ ҳаёлий нарсаси. 33. Арава қисми. 36. Таъна, танбех. 38. Донли озуқабоп экин тури. 39. Ўрта аср кимёгарлари орзу қилган тош. 40. Қоронгулик, қора. 44. Асилзода, оқсуяк. 46. Совуқ егулик ёки ичимлик. 47. Қадимий жанговар қурол тури. 51. Шикаст, зарар. 52. Таниқли фаранг олими, математик. 54. Нок нави. 55. Маҳаллий ёқилги тури. 56. Қурашда қўлланилувчи усул. 57. Косиблар махсус пиноғи. 58. Рақс харақати. 60. Расм-русум, удум. 63. Узунлик ўлчов бирлиги. 65. Ўткир ҳидли рангсиз газ. 66. Мусиқий асар тури. 67. АҚШдаги дарё. 69. Чарм буюмлар ишлаб чиқаришда қўлланилувчи маҳ сус цилиндр. 70. Ширинлик тури. 72. Таниқли рус фантаст-ёзувчи. 75. Беҳуд достони қаҳрамони. 77. Очқ, равшан. 78. Турли мосламаларнинг ипсимон қисми. 80. Маҳаллий маросимлардан бири. 82. Замонавий ширинлик тури. 83. Пахлавон, баҳодир. 85. Эманлар оиласига мансуб дарахт. 88. Дид, таъб. 89. Аёлларга мурожаат шаклларида бири. 91. Уй хайвони. 92. Улов абзали. 94. Бегона ўт тури. 96. Таниқли арман иллюзионисти. 98. Германиядаги дарё. 99. Биродар, туғишган. 101. Таниқли ўзбек қизиқчиси. 102. Тарихда инъом этилган ер. 103. Керамикада ишлатиладиган оқ лой. 104. Афсонавий тубсиз ҳовуз. 105. Узоқ шарқдаги дарё.

**Бўйига:** 1. Камар ёки тасма қисми. 2. Марказий Осиёдаги қадимги давлатлардан бири. 4. Ораллик, марказ. 5. Зийнатли буюм тури. 6. Республикаимиздаги шаҳар. 7. Ёввойи ўт. 8. Ювиниш, покланиш. 9. Ёввойи қуш тури. 10. Пайғамбарлардан бири. 11. Мақсадли маблағ тури. 16. Қадимги масофа ўлчов бирлиги. 18. Кўн санояти ва тиббиётда қўлланилувчи туз бирикмаси. 21. Ориқ, ранггар одам. 22. Юрак-қон томир касаллиги. 23. Семит тиллар оиласига мансуб тиллардан бири. 24. Авлод-аждод, насл. 25. Газлама тури. 26. Тиббиёт маъсасаси. 28. Фаргона вилоятидаги туман. 31. Боғланиш, алоқа. 34. Нуфуз, эътибор. 35. Танлаш, сайлаб олиш. 37. Польшадаги шаҳар. 41. Тасвир кўриниши. 42. Қимматбаҳо тош. 43. Миллий рақсда қўл харақати усули. 45. Инсон танаси қисми. 48. Махсус усқуна ёки мослама. 49. Маҳаллий сабази нави. 50. Майин юққа чарм тури. 53. Эчки зоти. 58. Мусиқий ижро оҳангларида бири. 59. Ху닝нинг қаттаси. 60. Мўйнали сув хайвони. 61. Японча шеър тури. 62. Қилиқ тури. 64. Ясан.... 68. Инглизча иккинчи нонушта. 71. Қимматбаҳо тош. 73. Бириктирувчи модда тури. 74. Нарса, буюм. 76. Рўзгор буюми, идиш. 79. Газлама тури. 81. Жин. 84. Ҳарбий унвон белгиси турадиган жой. 86. Дуккакли дарахт тури. 87. Мусиқий асар тури. 89. Чўл ўсимлиги. 90. Узум нави. 93. Дори-дармон ишлаб чиқаришдаги кимёвий модда. 95. Шимолий-Шарқий Хитойдаги шаҳар. 97. Кемада махсус лангар тешиги. 99. Қимматбаҳо тош. 100. Ҳид, бўй.

Тузувчи Файзулла Абдуллаев



## Қатралар

### СУЯНЧИК

Дарахт қариган, баҳор шамолига дош беролмай йиқилди.

— Олдимида тўнақ бўлиб турувди, қутулдим-а, энди роса яйрайдиган бўлдим, — деди йиқилган дарахтнинг илдиридан ўсиб чиққан ниҳол.

Хўб вақт ўтган, шамол ниҳолга ҳамла қилди. Бундан кейин ўзини тупоқкай ерга ёқиб қўйди. "Тўнақ"ни эслади: "Билмаган эканман, меҳрибонингем, қурганнинг ҳам сўянчиғим бўлган эканман-а?".

### ЧИЛЧЎП

— Нишолдани ширин қилган мен, — деди шакар. — Менсиз нишолда тайёрлаб бўлмайди, бўш келмади тухум ҳам.

— Сенларни барақали қилдиган мени ҳам уйлаб қўйинлар, — ўзини босолмай кўтириди етмак.

— Фикрингизга юз фоиз қўшиламан, лекин, сизларни қовуштириш учун бош уриб ҳаракат қилмасам, ўзингизча нишолда бўлолмайсиз, — деди меҳнаткаш чилчўп.

### НАЗАРДАН ЧЕТДА

Томорқа атрофига тутилган тиконли симдан сўрашди:

— Нега бўшашиб, чувалиб ётибсан?

— Экин борида таранг — хушёр туриб, қорувуллик қилардим. Эгамнинг назаридан тушмасдим. Сал бўшашсам, таранг тортиб, қадимини ростлаб турарди. Хосил туговдики, эътибордан четда қолдим. Кўриб турибсиз, кўриқлайдиган ҳосил йўқ. Бекорман. Бўшашиб ётишим шундан.

— Тўри, меҳнатинг бўлганда назардан қолмасдинг, — дейишди унга.

### БОҒ ВА ДОҒ

Оқар сувнинг шарқираб оқишидан ўзимни енгил ҳис қиламан. У тиним билмас жафоқаш меҳнатчи. Узидан гузаллик, боғ қолдирапти.

Қўлмакни кўриб эса, оғир тортаман, феълим бузилади. Назаримда у "Бўлса бўлар, бўлмасга гавлаб кетар" ҳаёли билан ялғаб ўтирган гоят ялқовнинг ўзи. Утирган жойида чивиллари гувиллаб ўчган ботқоқ — доғ қолдирапти.

Боғ қолдирган раҳмат олар, Доғ қолдирган нафрат олар.

Ғани АБДУЛЛАЕВ



## МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Ақлли киши бировнинг вақтини ҳурмат қилади.

Бошқаларнинг олдида бебурд бўлишдан ёмони йўқ.

Ўзи азалдан шу: имконияти йўқ имконият қидиради, имконияти бор қадрига етмайди.

Ўзини чеклаган ютади.

Сон кетидан қувган сифатдан ютқизади.

Ёмонга ён берсанг, бошинга чиқади.

Ҳасад — инсон вужудига тушган қурт.

Бировнинг касрига қолишдан ҳам аламли нарсаси йўқ.

Истеъдоднинг қушандаси кўп бўлади.

Ёмон аввало ўзининг душмани.

Ёмонлик умрбод кўнгилдан чиқмайди.

Ҳавас — гул, ҳасад — ўт.

Ҳасад ўти аввало ҳасадгўйнинг ўзини куйдиради.

Ўзини кўрсатишга ўчлик — инсоннинг энг ёмон хусусияти.

Ақлли деб аташларини ҳамма хоҳлайди-ю, лекин ҳамма ҳам ақлли бўлишга интирмайди.

Ақл туғма бўлади, билим эгалланади.

Табиий хислатлар туғма бўлади.

Дўстни кўчадан изламайдилар.

Нодондан нажот қутма.

Бахтга ҳамиша бир баҳя етмайди.

Тушқун кимса учун бу дунёда қувонч йўқ.

Феълли ёмон — топмас омон.

Ақлли киши ҳар кимдан бир нима ўрганади.

Ким йўғига ҳам шукр қилади, ким бориға ҳам шукр қилмайди.

**Ўзгидромет**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 4 май кунини ҳаво ўзгартирувчи, ёғингарчилик бўлмайдиган Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи — 26-28 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 4 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.